



“ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ХИЗМАТИ ҲАМКОРЛИГИ: ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАР”

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 309-гуруҳ курсанти

Ситимова Маҳлиё Шоназар қизи

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант*

Маматов Шермуҳаммад Илҳом ўғли

Аннотация

Мақолада профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув хизмати ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Профилактика инспекторлари маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва хавф омилларини аниқлаш билан шуғулланса, тезкор-қидирув хизмати оператив тадбирлар ва шубҳали шахсларни қидиришни амалга оширади. Икки тузилманинг ҳамкорлиги маълумот алмашинуви, қўшма рейдлар ва индивидуал профилактика тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали жиноятларнинг барвақт аниқланиши ва олдини олинишини таъминлайди. Мақолада ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари, амалий механизмлари, муаммолари ва ривожланиш имкониятлари илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

Профилактика инспектори, тезкор-қидирув хизмати, ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик, ижтимоий хавфсизлик.

Мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ривожлантириш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар



миллий хавфсизлик, жамоат тартиби ва фуқаролар тинчлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. 2024 йилда Ўзбекистонда жами 132 298 та жиноят қайд этилган бўлиб, бу 2023 йилга нисбатан 27,1 % кўпдир. ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган жиноятлар сони эса 35,6 тани ташкил этди. Бу кўрсаткичлар профилактик ва оператив чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Шавкат Мирзиёевнинг «Кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, ҳаётимиз бутунлай тинч ва пок бўлиши шарт. Янги Ўзбекистонда қонун устувор бўлади, жиноят учун жазо муқаррар бўлади¹» деган сўзлари ушбу соҳадаги ислохотларнинг асосий мазмунини белгилаб берди. Профилактика инспекторлари фаолиятининг тезкор-қидирув хизмати билан самарали интеграция қилиниши жиноятларнинг барвақт олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мазкур ишлар тизимли ҳамкорлик, ахборот алмашинуви ва қонунчиликда белгиланган ваколатларнинг мувофиқ амалга оширилишига таянади. Шу маънода— Ўзбекистонда шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятларнинг виктимологик профилактикасига доир ҳуқуқий асослар, амалий механизмлар, мавжуд йўналишлар ва улар билан боғлиқ муаммолар ҳамда ривожланиш имкониятлари — кенг таҳлил қилинади. Улардан келиб чиқиб, бу йўналишда ҳақиқий натижага эришиш учун қандай чоралар кўрилиши лозимлиги кўриб чиқиш лозим бўлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТ–ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш мақсадида ташкил этилган халқаро ташкилот². Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини

¹ <https://kun.uz/en/news/2023/12/22/president-mirziyoyev-comments-on-recent-fight-in-uzbekistan-against-criminal-authorities-and-corruption?utm>

² Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли.



ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди³. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди⁴.

Профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув хизмати ҳамкорлигининг долзарблиги қатор ижтимоий, ҳуқуқий ва амалий сабабларга асосланади:

1. Жиноятчилик даражасининг ўсиши.

2. Жамиятда хавфсизликни таъминлаш зарурати. Шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар — ўлдириш, саломатликка оғир зарар етказиш, зўравонлик — жамият тинчлиги ва давлатнинг ҳуқуқий тартиби учун жиддий таҳдид ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, профилактика чора-тадбирларини ривожлантириш нафақат давлат органларининг, балки жамоатчиликнинг ҳам ижтимоий вазифаси ҳисобланади.

3. Давлат сиёсатидаги устуворлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилдаги ПҚ-2833-сон қарори ва Конституциянинг 146-моддаси жиноятчиликка қарши кураш ва профилактика соҳасида давлат назоратининг муҳимлигини белгилайди. Профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув хизматининг ҳамкорлиги бу сиёсий йўналишни амалга оширишнинг асосий воситасидир.

4. Ижтимоий ва профилактик самара. Профилактика инспекторлари маҳаллада фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, шубҳали шахслар, ёшлар девиацияси ва оилавий низоларни ўз вақтида аниқлайди. Тезкор-

³ Маматов Ш. И. Ў. ТОВАРЛАРНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРИНГ ЎРНИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 143-146.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>



қидирув хизмати эса оператив маълумотлар билан таъминлайди. Бу ҳамкорлик жиноят тайёргарлиги босқичида ҳаракатларни тўхтатиш имконини яратади ва жиноятчилик даражасини сезиларли даражада камайтиради. Шу сабабли профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув хизмати ҳамкорлиги мавзуси замонавий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамият хавфсизлиги ва давлат ҳуқуқ сиёсатидаги долзарб масала сифатида қаралади. Бу ҳамкорлик фақат жиноят содир бўлганидан кейин реакция кўрсатиш эмас, балки уни олдини олиш, хавф гуруҳларини мониторинг қилиш ва жамоат тартибини самарали таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида⁵ (30.04.2023 йилги таҳрир) 146-моддасига кўра жиноятчиликка қарши кураш мақсадида тезкор-қидирув, тергов ва махсус ваколатларни мустақил амалга оширувчи хусусий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларини тузиш қатъий тақиқланади, аммо жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиши мумкин. Бу норманинг мақсади – жиноятчиликка қарши курашишда фақат давлат томонидан ваколат берилган органлар (ИИО, Миллий гвардия, ДХХ ва бошқалар) тезкор-қидирув ваколатларига эга бўлишини таъминлашдир. Нима учун тезкор-қидирув фаолияти хусусий ташкилотларга берилмайди? Тезкор-қидирув фаолияти ўз табиатига кўра яширин характерга эга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли шахсий маълумотларни йиғиш, тинглаш, кузатиш каби даражада юқори хавфли чора-тадбирларни ўз ичига олади. Шу сабабли фақат давлат назоратидаги органлар бу ваколатга эга бўлиши мумкин. Хусусий гуруҳлар бундай ҳуқуққа эга бўлса – инсон ҳуқуқлари бузилиши, поқопуний тинглаш, шахсий манфаатлар учун фойдаланиш хавфи юқори бўлади. ИИО – Ўзбекистонда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган асосий органлардан бири, мазкур модда ушбу ваколатни хусусий

⁵ [https://lex.uz/docs/6445145//Ўзбекистон Республикаси Конституцияси](https://lex.uz/docs/6445145//Ўзбекистон_Республикаси_Конституцияси)



компаниялардан, хусусий хавфсизлик тузилмаларидан, нолойик жамоат бирлашмаларидан, ҳимоя қилади ва давлатнинг ягона сиёсатига бўйсундириб қўяди. Ҳамкорлик — от. 1. Иш-фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айти бир ишда биргалашиш, уни тенг бажариш (ҳамкор 1). 2. Бирор соҳада ўзаро боғланиб, биргаликда, ҳамкор бўлиб иш олиб бориш (иқтисодий ҳамкорлик, илмий ҳамкорлик ва ҳ.к.).⁶ Ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ҳамкорлик — бу давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ва халқаро тузилмалар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштирилган, мақсадли ва ҳуқуқий асосга эга бўлган биргаликдаги фаолиятдир. У ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, тўхтатиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ҳамкорлик — бу давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигидир. Ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ҳамкорлик — бу давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ўзаро ҳамкорлигидир. Ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ҳамкорлик тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунида аниқ таъриф шаклида берилмаган. Бу тушунча кўпинча дарсликларда, илмий мақолаларда ва расмий шарҳларда таҳлилий талқин сифатида учрайди. Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ички ишлар органлари бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.⁷ Ички ҳамкорлик (давлат органларининг Нодавлат ва нотаижрат ташкилотлари ва фуқаролар билан ҳамкорлиги) Давлат органлари (ИИВ, прокуратура, адлия, солиқ,

⁶ <https://izoh.uz/uz/word/hamkorlik>

⁷ <https://lex.uz/docs/3027843>



божхона ва бошқалар), нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролар ўртасидаги идоралараро ва жамоатчилик билан ҳамкорликни амалга ошириши тушунилади. Бу ҳуқуқбузарликларни олдини олишда маълумот алмашиш, қўшма чора-тадбирлар ва мониторингни ўз ичига олади. Маҳаллий ҳамкорлик (фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан) Маҳалла (фуқаролар йиғинлари), оила ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик. Бу ерда профилактика маҳаллий даражада — маҳаллада, оилада ва таълим муассасаларида амалга оширилади. Мисол «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ўртасида амалга ошириладиган ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш тизимининг муҳим ислохотларидан бири ҳисобланади. Мазкур қарорда мавжуд камчиликларни аниқлаб, давлат идоралари фаолиятини тубдан ўзгартиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек қарорда мустақиллик йилларида ҳуқуқбузарликларнинг камайиши ва криминоген вазиятнинг яхшиланиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар таъкидланган бўлсада ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ҳозирги давр талабларига жавоб бермайдиган усуллар (масалан, ахборот-коммуникация технологияларидан етарли фойдаланилмаслик) ва идоралараро номутаносиблик муаммолари кўрсатиб ўтилган, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва жамоатчиликни жалб этиш орқали жиноятчилик даражасини янада пасайтириш мақсад қилиб белгиланган. Аҳамиятли томони шундаки нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни, балки барча давлат идораларини (маҳаллий ҳокимиятлар, хўжалик субъектлари) ҳуқуқбузарликка қарши курашда зиммасига маъсулият юклаб, тизимли ёндашув орқали



профилактикани "ҳуқуқ-ҳимоя органларининг монополияси"дан чиқариб, умумий давлат сиёсатига айлантиради.

Қарорда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги камчиликлар сифатида кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида:

-ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг (кейинги ўринларда — давлат идоралари ва ташкилотлари) устувор вазифаси этиб белгиланган;

-идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш қайд этилган.



Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни⁸ 11-моддаси ички ишлар органларига (ИИО) бошқа давлат органлари, имаҳалла, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ваколатини белгилайди. Бу норма ИИОнинг тезкор-қидирув фаолиятини самарали амалга ошириши учун асосий шартлардан биридир. Тезкор-қидирув фаолиятининг табиати ҳамкорликни талаб қилади. Тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ) қонунга кўра жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, яширин тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноятчиларни қидириш, жиноий гуруҳлар фаолиятини фoш этиш каби вазифаларни ўз ичига олади. Тезкор-қидирув фаолиятида ахборот алмашинувининг мазкур моддага кўра аҳамияти шундаки унга кўра жиноят ва ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар алмашинуви, электрон маълумотлар базаларига кириш, бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни олиш каби ҳуқуқларни беради. Бу жараёнда ИИОнинг барча маълумотни ўзи ёлғиз йиғиши ва таҳлил қилиши имконсиз. Шунинг учун 11-моддада белгиланган ҳамкорлик тезкор фаолиятнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Қонуннинг 15- ва 15¹-моддаларда кўрсатилганидек, ички ишлар органларининг таянч пунктлари ва маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғинлари ҳисобланади. Ушбу тузилмаларда профилактика инспекторлари (шу жумладан катта инспекторлар ва уларнинг ёрдамчилари) марказий ўрин тутаяди, аммо уларнинг фаолияти тезкор қидирув хизмати (тезкор вакиллар) билан узвий ҳамкорликка асосланади. Бу ҳамкорликнинг аҳамияти қўйидаги жиҳатларда мужассам:

-Профилактика инспекторлари маҳалла, овул ва қишлоқларда доимий равишда фуқаролар билан бевосита мулоқот қилади, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади ва хавф омилларини (масалан, оилавий низолар, ёшлар девиацияси) ўз вақтида аниқлайди. 151-моддага кўра, улар

⁸ <https://lex.uz/docs/3027843/> Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни



маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари таркибида тезкор вакиллар билан бирга ҳудудда хизмат ўтайди;

-Тезкор қидирув хизмати ходимлари махфий маълумотлар тўплаш, жиной гуруҳларни кузатиш ва қидирув чораларини ўтказишда ихтисослашган. Ҳамкорлик орқали эса профилактика инспекторларининг фуқаролар, криминоген вазият ҳақидаги маълумотлар тезкор хизматларнинг оператив чоралари билан бирлашади, натижада жинойтларнинг "илдизи" (масалан, рецидивистлар ёки гуруҳлар) барвақт аниқланади ва профилактика қилинади, бу эса жинойтчилик даражасини пасайтиради. Қонуннинг 15-моддасида таянч пунктлар ишига ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари (шу жумладан тезкор қидирув) жалб этилиши мумкинлиги таъкидланади. 15¹-моддасида эса тезкор вакиллар маҳалла масканлари таркибига киритилиб, ҳар кунлик асосда ҳамкорлик қилинади. Профилактика – жинойтнинг "олдини олиш" бўлса, тезкор-қидирув эса унинг "барвақт аниқлаш ва тўхтатиш" воситасидир. Модда профилактиканинг оператив асосларини таъминлайди. Профилактика инспекторлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этади ва маҳаллий муаммоларни аниқлайди, бу маълумотлар тезкор хизматга ўтказилса, қидирув ишлари тезлашади. Масалан, профилактика инспектори аниқлаган шубҳали шахслар ҳақидаги маълумот тезкор вакиллар томонидан текширилади ва зарур бўлса, қўлга олиш чоралари кўрилади. Бу ҳамкорликсиз, профилактика фақат "юзак" бўлиб қолади, тезкор эса маълумотсиз самарасиз бўлади.

Умумий тартибда олинганда профилактика инспекторларининг тезкор қидирув хизмати билан ҳамкорлиги – бу жинойтчиликка қарши курашишнинг "профилактика ва оператив" модели бўлиб, маъмурий ҳудудда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини самарали таъминлайди.



Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни⁹ (2012 йил) асосида профилактика инспекторлари (ИИБ тизимидаги маҳалла профилактика инспекторлари) билан тезкор-қидирув хизмати (ИИБ тезкор бўлинмалари) ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари кенг. Мазкур қонунга кўра Профилактика инспекторлари тезкор-қидирув фаолиятини мустақил равишда амалга оширмайди — бу фаолият фақат ИИБ, ДХХ, Божхона, Мудофаа вазирлиги каби органларга берилган. Тезкор-қидирув фаолияти фақат махсус органларга тегишли (10-модда):

Ҳамкорликнинг асосий шакллари:

- Ёзма топшириқ асосида иштирок этиш (11-модда). Профилактика инспектори терговчи, суриштирувчи ёки прокурорнинг ёзма топшириғи билан тезкор тадбирларда иштирок этади. Мисол маҳалладаги жиноятга тайёргарлик кўраётган шахсларни аниқлаш учун сўров, тезкор кузатув ёки маълумотлар тўплаш тадбирларида маҳалла билимдони сифатида иштирок қилади;

- Маълумот алмашинуви (13-модда). Профилактика инспекторлари маҳалладаги криминоген вазият, шахсларнинг хулқ-атвори, шубҳали ҳаракатлар ҳақида тезкор хизматга хабар беради. Тезкор хизмат эса профилактика инспекторига қидирувдаги шахслар, жиноят тайёргарлиги аломатлари ҳақида маълумот беради;

- Тезкор тадбирларда ёрдамчи роли (12-модда). Профилактика инспекторлари ошкора (расмий) ёки ноошкора (махфий) усулларда ёрдам беради: Ошкора твртибдв маҳаллада сўров ўтказиш, аҳоли билан мулоқот қилади. Ноошкора маҳалладаги шубҳали шахсларни кузатишда тезкор ходимларга ёрдам бериш (лекин мустақил эмас).

Амалий мисоллар (қонун доирасида)га келадиган бўлсак жиноят олдини олишда профилактика инспектори маҳалладаги ёш йигитнинг гиёҳванд

⁹ Ўзбекистон Республикаси. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (25 декабрь 2012 йил, ЎРҚ-344-сон). Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/2107763>.



моддалар билан алоқаси борлигини сезади, тезкор хизматга хабар беради, тезкор ходимлар текшириш хариди ёки тезкор кузатув ўтказади. Қидирувдаги шахсни топишда эса тезкор хизмат қидирувдаги шахснинг маҳаллада яшаши мумкинлигини билади, профилактика инспекторидан маълумот сўрайди, инспектор аҳоли билан мулоқот орқали маълумот тўплайди. Шунингдек қонуннинг 15-модда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асосларини белгиланган бўлиб, жиноятчиликка қарши курашишнинг оператив босқичини тартибга солса, ушбу модданинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан узвий боғлиқлиги қуйидаги жиҳатларда мужассамдир. Профилактика – жиноятнинг "олдини олиш" бўлса, тезкор-қидирув эса унинг "барвақт аниқлаш ва тўхтатиш" воситасидир. Модда профилактиканинг оператив асосларини таъминлайди. Мазкур моддада "Жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида... маълумотлар", "Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар...", "Яшириниб юрган, бедарак йўқолган шахслар" ҳақида маълумотлар асослар қилиб олинган бўлиб, профилактика билан боғлиқлиги профилактика инспекторлари маҳалладаги хавф омилларини (масалан, оилавий низо, ёшлар девиацияси, рецидивистлар) аниқлайди, ушбу маълумотлар тезкор-қидирув учун асос бўлиб, жиноят тайёргарлик босқичидаёқ тўхтатилади. Мисол профилактика инспектори маҳалладаги шубҳали шахсни аниқласа, тезкор вакилга ўтказилади, 15-модда асосида махфийлик аосида тезкор чора тадбирлар белгиланиб, жиноят содир бўлмасдан тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни¹⁰да ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, сабабларни бартараф этиш ва хавфни камайтириш мақсадидаги ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирлар тизими (таъриф)

¹⁰ <https://lex.uz/docs/2387357/> Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуни



бўлиб, унинг 4-моддадаги 6 та асосий вазифаси ва 6-моддадаги 4 тури профилактика инспекторларининг тезкор-қидирув хизмати билан ҳамкорлигининг зарурати ва аҳамиятини очиқ-ойдин кўрсатади. Шунингдек Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун нормаларига мувофиқ, профилактика тизими жамиятда ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, хуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг олдини олишга қаратилган ўзаро боғлиқ ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуасидан ташкил топади. Ушбу вазифаларни самарали бажаришда профилактика инспектори ҳамда тезкор-қидирув хизмати органларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қонуннинг 4-моддасида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш профилактиканинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Профилактика инспектори ўз ҳудудидаги аҳоли, оилалар, муаммоли шахслар, ижтимоий хавфли гуруҳлар ҳақида доимий маълумотга эга. Тезкор-қидирув хизмати эса оператив маълумотлар, жиноий фаолиятга мойил шахслар, яширин тармоқлар, қидирувдаги шахслар тўғрисидаги маълумотларга эга. Икки тузилманинг маълумот алмашинуви хуқуқбузарликларни *erta bosqichda aniqlashni ta'minlaydi* ва профилактик чораларни тезкор қўллаш имконини беради. Қонуннинг 6-моддасига кўра профилактиканинг турлари – умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикадан иборат. Тезкор-қидирув хизматининг маълумотлари муқаддам судланган, жиноят содир этишга мойил, экстремистик ёки бошқа ғайриқонуний тузилмалар билан алоқадор, қидирувда бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар якка тартибдаги профилактика ва махсус профилактика учун асос бўлади. 4-моддада жабрланувчилар хавфини камайтириш – профилактиканинг муҳим вазифаси экани қайд этилган. Профилактика инспектори тезкор-қидирув хизматидан зўравонликка мойил шахслар, оилавий муаммолар ҳақидаги оператив маълумотларни олган ҳолда



хавф гуруҳидаги аёллар, ёшлар ва бошқа шахслар билан ишлайди. Бу вақтинча химоя ордери бериш, оиланинг рўйхатдан ўтишини таъминлаш, маҳалла ёрдамани жалб қилиш каби профилактик чораларни самарали қўллашга имконият яратади. Қонунга кўра, профилактикада иштирок этувчи барча органлар фаолиятини мувофиқлаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Тезкор-қидирув хизмати профилактика инспектори ҳамкорлиги қуйидагиларни таъминлайди:

- ҳудуддаги криминоген вазиятни холис баҳолаш;
- хавфли ҳудудлар бўйича қўшма рейдлар ўтказиш;
- қидирувдаги шахсларни қўлга олишда ёрдам;
- профилактик ҳисобдаги шахсларни кузатиб бориш;
- маъмурий назорат остидаги шахслар устидан назоратни кучайтириш.

Бу ҳамкорлик жиноятчиликни фақат содир бўлганидан кейин очиш эмас, балки уни содир этилишидан олдин олдини олиш имконини беради. Умумий олинганида профилактика инспектори ва тезкор-қидирув хизмати ўртасидаги ҳамкорлик ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш, хавф гуруҳларини мониторинг қилиш, индивидуал профилактика тадбирларини белгилаш, жабрланувчилар хавфини камайтириш, жиноятчиликка қарши тизимли курашни таъминлаш каби вазифаларни юқори самара билан амалга ошириш имконини беради. Бу ҳамкорлик қонуннинг 4 ва 6-моддаларида белгиланган вазифа ва турларни амалда тўлиқ ҳаётга татбиқ қилиш учун асосий механизм ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда Мақолада профилактика инспекторлари ва тезкор-қидирув хизмати ҳамкорлигининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди. Профилактика инспекторлари маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хавф омилларини аниқлаш ва фуқаролар билан доимий мулоқотни таъминлайди, тезкор-қидирув хизмати эса оператив тадбирлар ва яширин маълумотлар асосида жиноятларни барвақт аниқлашда ихтисослашган. Икки тузилманинг ҳамкорлиги маълумот алмашинуви, қўшма



рейдлар, индивидуал профилактика тадбирлари ва жабрланувчилар хавфини камайтириш орқали жиноятчиликка қарши самарали курашни таъминлайди. Ушбу интеграция давлат сиёсатининг устувор йўналишига мувофиқ жамият хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартиботни сақлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Қонунчиликда белгиланган ваколатлар, профилактика ва тезкор-қидирув фаолиятининг турлари ва механизмлари уларнинг ҳамкорлигини самарали амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар ва манбалар:

1. Ahmad o'g'li C. M. Inson huquqlari bo'yicha xalqaro mexanizmlar. – [Online source].
2. Маматов Ш. И. Ў. Tovarlarning sifati va xavfsizligini ta'minlashda fuqarolik-huquqiy shartnomalarning o'rni. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – № 3. – S. 143–146.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони. – <https://president.uz>
4. Kun.uz. President Mirziyoyev comments on recent fight in Uzbekistan against criminal authorities and corruption. 22 December 2023. – <https://kun.uz/en/news/2023/12/22/president-mirziyoyev-comments-on-recent-fight-in-uzbekistan-against-criminal-authorities-and-corruption>
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – <https://lex.uz/docs/6445145>
6. Izoh.uz. Hamkorlik. – <https://izoh.uz/uz/word/hamkorlik>
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. – <https://lex.uz/docs/3027843>
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни. – <https://lex.uz/docs/2387357>
9. Ўзбекистон Республикаси. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (25 декабрь 2012 йил, ЎРҚ-344-сон). Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/2107763>.